

Абдуллажанов Анвар Тургунбаевич

ИИБ Академияси магистратурасининг “Ташкилий-тактик бошқарув” йўналиши 1-

гурух тингловчиси подполковник

Tel: 90-916-55-58

Email: anvarjondan@gmail.com

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ

Ривожланаётган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатимизнинг мустақил ҳуқуқий асосларини шакллантириш, бозор иқтисодиётига асосланган янги жамиятни куриш, энг аввало, давлат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи ҳамда тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш билан боғлиқдир.

Шу боисдан, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида алоҳида қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан алоҳида тартиб қоидалар белгилаб берилган. Таъкидлаш лозимки, транспорт воситаси кашф этилгунга қадар йўл-транспорт ҳодисалари бўйича қоидалар мавжуд бўлмаган.

Транспорт воситалари тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, дастлаб Францияда XVIII асрнинг иккинчи ярмида дастлабки автомашиналар ишлаб чиқилиши йўлга қўйилган бўлиб, дастлаб автомашиналарнинг йўлларда ҳаракатланиши тартибга солинмаган ва алоҳида қоидалари ишлаб чиқилмаган ҳамда йўл белгилари мавжуд бўлмаган. Қачонки, транспорт воситаси иштирокида йўл-транспорт ҳодисаси содир этилгандан сўнггина уларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг дастлабки тартиблари ишлаб чиқилган ва уларни бузган шахсларга нисбатан жазо чоралари қўлланилган.

Таъкидлаш лозимки, йўл-транспорт ҳодисалари ҳуқуқбузарликларнинг алоҳида ўзига хос хусусиятга эга бўлган, аксарият ҳолатларда эҳтиётсизлик, қонунлар билан ўрнатилган қоидаларни қасдан менсимаслик оқибатида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади. Қонун нормалари билан мамлакатимизда йўлларда ҳаракатланиш қоидалари белгилаб берилган бўлиб, унинг асосий мақсади бу йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва транспорт қатновини тартибга солишдан иборатдир.

Албатта, таъкидлаш лозимки, айрим ҳолатларда фуқароларнинг ўлими билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши унинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширади. Шу боисдан, йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жараёни ва метадология тушунчаларини таҳлил қилиш лозим.

Йўл ҳаракати – одам ва юкларни транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ташиш ёхуд йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўлларда ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

Йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасни акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларининг олдини олишга, уларнинг оғир оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият.

Йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиш жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса¹.

Н.У.Аллаяровнинг фикрича, **йўл-транспорт ҳодисалари** бўйича ҳуқуқий адабиётлар ва юридик амалиётни таҳлил қилиш уларнинг ижтимоий зарарини ҳақиқий зарар етказиш билан биргаликда кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади².

Шу боис, **йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш**, амалдаги қонунчиликка шарҳ бериш, фуқароларга жавобгарлик муқаррарлигини тушунтириш ва бу соҳа билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий асослари катта аҳамиятга эга бўлади.

Баъзи адабиётларда **методология** инсон билиш фаолиятининг воситалари, мақсади ва назарий асосини аниқлаб беради. Методология доирасида тадқиқотчи воқеликдаги турли ҳодисаларни таҳлил қилиш тамойилларини танлайди, тадқиқот жараёнида эришилган натижаларни ўрганиш ва баҳолаш усулларидан фойдаланади. «Фалсафа» комусий луғатида методология тушунчаси икки йўналишда таърифланади:

- 1) бирор фанда тадбиқ этиладиган тадқиқот усулларининг мажмуи;
- 2) илмий билиш ва дунёни ўзгартириш методи ҳақидаги таълимот³.

Методология диалектиканинг бошқа томонлари ҳақидаги хулосалар, шунингдек ундан диалектиканинг энг умумий қонунларини илмий билишда қандай қўллаш мумкинлиги ҳақидаги қонданнинг келиб чиқиши⁴.

Методология ҳам амалиёт талабларидан ортда қолиши, ижтимоий қадриятларнинг ўзгариш қонуниятларига боғлиқ ҳолда ривожланмаслиги мумкин эмас⁵. Бошқа томондан, методологиянинг дунёқараш жиҳатлари – чуқур назарий умумлашма, башоратлаш, фан стратегиясини ва унинг мавқеини оширишдир.

¹ Мухитдинов Н.Ф., Нурмухамедов Г.К., Таджиханов Б.У., Диметов Р.Н. Йўл ҳаракати қоидаларига шарҳлар./ Маъсул муҳаррир А.А. Ҳамидуллаев. Т.: Тошкент вилояти Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, 2005 – 120 б. ва Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2022 йилги 172-сон қарори.

² Аллаяров Н.У. Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. Ю.ф.ф.д. дисс.. иши. 2023 й. 28 б.

³ Маткаримов С. Х. Тилшунослик таҳлил методлари: индукция ва дедукция //«modern philological paradigms: interaction of traditions and innovations». – 2024. – Т. 4. – №. 25.04. – С. 252-254.

⁴<https://staff.tiame.uz/storage/users/425/presentations/u3vMudddyPN Wsr8OQSZ4PdRPwS P8tcL2U4FSaxUJ.pdf>

⁵ Лиханов В. О. ҳарбий педагогиканинг методологик асослари //imras. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 6-8.

Методология – (юнонча – методлар ҳақида таълимот) ижодий жараён сифатида ҳарбий тизим жараёнининг илмий билиш йўллари ва воситаларининг, илмий тадқиқот қонуниятларининг, уларни таққослаш ва тизимлаштириш замирида юзага келган. Демак, методология ҳарбий жараёнларнинг илмий билиш фаолияти, моҳияти, йўллари ва воситаларининг назарий муаммоларини, шунингдек, ҳарбий жараённинг илмий тадқиқот қонуниятларини ўрганади.

Методология тушунчаси мураккаб ва ҳар доим ҳам бир хилда талқин қилинавермайди. Биринчи навбатда у кенг маънода – фан методологияси сифатида қўлланилиб, барча илмий фанлар учун илмий билишнинг фалсафий таянчи ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, методология фан сифатида обектив борлиқни билиш ҳақида таълимот (назарияси)дир. Тор маънода эса аниқ илмий фанлар (шу жумладан ҳарбий педагогика) учун илмий билиш назариясини англатади.

Ҳар қандай жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг туридан қатъий назар у фуқароларга зарар етказиб, тинчлик ва осойишталикни бузилишига олиб келади. Шу боисдан, йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил илишда унинг қандай ҳолатда содир этилганлигидан қатъий назар шахснинг айбдорлик даражаси мавжуд бўлади.

Жиноят ёки маъмурий қонунчиликда ҳуқуқбузарликларнинг қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлиги билан фарқланади ва таснифланади. Аммо, шу ўринда савол туғилади йўл-транспорт ҳодисаси содир этган шахс транспортни бошқаришга ўтирган вақтда кимдир уриб кетаман ёки машина билан босиб кетаман деб қасд қилмайди, бироқ у йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва уни бузганлиги учун белгиланган жавобгарликларни менсимаслиги, тушунишни ҳохламаслиги ёки зарурат юзасидан йўл ҳаракати қоидасини бузишга олиб келиши натижасида ҳодиса содир этилади деган фикр пайдо бўлади. Лекин, транспорт ҳайдовчисининг айбдорлик даражасини аниқлаш жараёнида унинг йўл ҳаракати қоидаларини бузганлигининг ўзи қасдан содир этилган деб таснифланишга сабаб бўлади деб ҳам фикр юритиш мумкин. Чунончи, ҳар бир ақли расо шахс транспорт востасини бошқариш жараёнида қоидани бузганда унинг оқибатлари ҳақидаги тушунчага эга бўлиши шарт, чунки бу борада ўқув машғулотлари ва синов жараёнларида иштирок этган.

Нима бўлганда ҳам бу шахснинг айбдорлик даражасини кўрсатади. Айбнинг янада аниқроқ тушунчасини А.И.Рарог келтиради: “Айб бу шахснинг у содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишга қасд ёки эҳтиётсизлик шаклига нисбатан психологик муносабати ҳисобланади. Унинг бу ҳаракатида муҳим ижтимоий қилмишга нисбатан ноижтимоий муносабати ифодаланади”⁶.

Жиноят кодексининг 22-моддасида айбнинг эҳтиётсизлик шаклига қуйидагича таъриф берилган: “Ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади. Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асосиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади”, деб топилади.

Демак, йўл-транспорт ҳодисасини содир этган ҳайдовчи ёки бошқа иштирокчи ўзига ишониши ёки бепарволиги ҳам ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келади.

⁶ Рарог А.И. Субъективная сторона и квалификация преступлений. М., 2001. С.26.

Ҳуқуқшунос олим А.С.Якубов фикрича, шахс қилмишида жиноий эҳтиётсизликнинг белгиларини аниқлаш қуйидагилардан иборатдир:

ўз хулқ-атворининг оқибатлари қонундаги ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишига олиб келиши мумкинлигига илгаридан кўзи етмаслиги билан;

шахснинг мазкур оқибатларнинг келиб чиқишига кўзи етиши, унинг бурчи эканлиги билан;

шахснинг мазкур оқибатларнинг келиб чиқишига кўзи етиш имконининг мавжудлиги билан изоҳланади⁷.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қасддан содир этилган жиноятларга нисбатан унчалик юқори эмас. Бироқ уларга етарлича баҳо бермасликка йўл қўймаслик керак, чунки эҳтиётсизлик орқасида давлат ва жамият манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етади, эҳтиётсиз ҳаракатлар сабабли одамлар ҳалок бўлади, мулк нобуд бўлади (автомобиль ҳалокатлари, кўп ҳолларда ҳайдовчиларнинг жиноий ўз-ўзига ортиқча ишонишлари натижасида келиб чиқади).

Шубҳасиз, кўпчилик ҳолларда эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар шахсларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан бўлган муносабатлари натижасида ижтимоий манфаатларга бўлган лоқайд муносабатлар ва бошқалар туфайли содир бўлади. Жиноят кодексида эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик келиб чиққан оқибатга қараб белгиланади. Масалан, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЖКнинг 102-моддаси), эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (ЖКнинг 111-моддаси), ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказишга сабаб бўлса (259-модда), транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ва одамлар ўлими, ҳалокат ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса (266-модда) ва шу кабилар.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда аҳолининг катта қисми шахсий автомобиль эгасига айланганлиги ва йўллардаги инфратузилмаларининг кўп миқдордаги автомобилларнинг қатнови учун талаб даражасида жавоб бермаслиги оқибатида кўплаб йўл-транспорт ҳодислари содир этилмоқда, афсуски ушбу ҳодисаларнинг 60 % дан кўпи шаҳар ҳудудларида содир бўлади. Бу эса шаҳарларда йўл-транспорт ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш, уларнинг замонавий шакл ва усулларини ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади. Афсуски, бу масалалар бугунги кунинг долзарб масаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев шахсан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўлларда турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан устувор вазифаларни белгилаб берди. Бу орада 2022 йилнинг 11 феврал куни Президентимиз раислигида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, Ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг маъсул раҳбарлари иштирокида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида шарҳлар. Тошкент. “Адолат”. 1997 й. 42-бет

Жумладан, Ш.М.Мирзиёев йиғилишда қуйидаги ушбу масала юзасидан қуйидаги фикр ва мулоҳазаларни билдириб ўтди:

“Бугун ўта муҳим ва кечиктириб бўлмас масалани муҳокама қиламиз. Бу – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш. Мамлакатимизда 2021 йилда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ фуқаро жароҳатланди. Энг ачинарлиси, 2,5 мингга яқин одам, шу жумладан 263 нафар бола ҳалок бўлгани катта фожиадир”⁸.

Таҳлиллар кўрсатишича, аварияларнинг:

- 45 фоизи ҳайдовчиларнинг қоидаларни менсимаслиги;
- 10 фоизи ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги;
- 25 фоизи йўл ҳолати ва инфратузилмаси талабга жавоб бермаслиги;
- 20 фоизи пиёдаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида содир бўлмоқда.

Жумладан, транспорт серқатнов бўлган 2 мингдан ортиқ чорраҳа ва 9,5 мингга пиёда ўтиш жойлари светофор ёки бошқа воситалар билан жиҳозланмаган. Шунингдек, йўллардаги мавжуд 400 мингга йўл белгилари ва кўрсаткичларининг ярми талабга жавоб бермайди. Мисол учун, биргина Тошкент шаҳрида 15 мингга йўл белгилари етишмайди, 22 мингтасини янгилаш талаб этилади. Ҳар бир вилоят ҳокимлигида 1 тадан йўл белгилари ва кўрсаткичлари, светофорлар ўрнатиш, йўл чизиқлари чизишга масъул корхона бўлгани билан уларнинг 80 фоиз техникаси эскирган ёки яроқсиз ҳолда⁹.

⁸ Ш.М.Мирзиёев раислигида 2022 йилнинг 11 февраль куни йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги видеоселектор йиғилишида сўзлаган маърузаси// URL: <http://www.lex.uz>.

⁹ Ўша манба.